# ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

*Ўқув дастур Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Илмий кенгашининг _2025 йил 16июндаги №УМО-12 сонли баённомаси асосида тасдиқланган.*

*Амал қилиш муддати 2030 йил гача*

<table>
<tr><td colspan="2">Таълим муассасаси номи</td><td colspan="3">Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази</td></tr>
<tr><td colspan="2">Кафедра/ бўлим</td><td colspan="3">Жаррохлик стоматология</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқув дастур номи</td><td colspan="3">Стоматология амалиётида физиотерапия ва оғиз бўшлиғи гигиенаси асослари</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқиш тури</td><td colspan="3">Мавзувий малака ошириш</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқув дастур муаллифи/ муаллифлари</td><td colspan="3">А.А.Абдукадиров,У.Ж.Жуматов,У.Т.Бахриев,Ф.Ш.Мухамедиева, Ф.А.Азимходжаева</td></tr>
<tr><td colspan="2">Циклнинг умумий соати</td><td colspan="3">144кредит</td></tr>
<tr><td colspan="5">Циклда дарс берадиган ўқитувчи ва тренерлар</td></tr>
<tr><td><br>т.ф.д, профессор<br>А.А.Абдуқодиров</td><td><br>т.ф.д, профессор У.Ж.Жуматов</td><td><br>т.ф.н., У.Т.Бахриев</td><td><br>Асс,Ф.Ш.Мухамедиева</td><td><br>Асс,Ф.А.Азимходжаева<br>.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Мақсад</td><td colspan="3">Стоматологларнинг касбий малакасини замон талаблари, инновацион технологиялар, илғор инструментал ва лаборатор текшириш усуллари, замонавий хом-ашъё ва янги даволаш усулларини қўллаш бўйича назарий ва амалий билимларини янгилатиш ва касбий малакасини такомиллаштириш.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Циклга таклиф қилинган мутахасисслар - контингент</td><td colspan="3">Мавзули малака ошириш бўйича қайта тайёрланиш ҳуқуқи ЎзР ССВнинг (№170, №174, №202, №204, №210) меъёрий ҳужжатларига мувофиқ стажировка, клиник ординатура, магистратура ёки бошланғич ихтисослашувда: орал хирург, юз-жагъ хирурги,</td></tr>
</table>

| | |
|---|---|
| | умумий шифокор-стоматолог ва болалар хирург-стоматологи мутахассиси олганлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлган мутахассислар. |
| **Цикл вазифалари** | Стоматология амалиётида физик омилларнинг оғиз бўшлиғи касалликларининг ташхис қўйишида, даволашида ва профилактика – реабилитация жараёнларида замонавий протоколлар ва стандартлари билан тингловчиларни таништириб, улар асосида ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш;<br><br>ўқув дастурида 2 та бўлим: «Стоматологияда умумий физиотерапия» ва «Стоматологияда хусусий физиотерапия» бўлимлари берилган. «Стоматологияда хусусий физиотерапия» бўлимида тингловчилари қуйидагиларни билишлари шарт:<br><br>физиотерапия ривожланишининг тарихи;<br><br>физиотерапия хизматини, стоматологик физиотерапия кабинетларини ва уларнинг жиҳозлар билан таъминланишини;<br><br>физиотерапия кабинетларида аппаратлар билан ишлаганда техник хавфсизлигини;<br><br>стоматологик касалликларни даволаш – профилактика комплексда физиотерапиянинг роли;<br><br>стоматологик касалликларни физиотерапевтик даволашда уларга кўрсатмалари ва қарши кўрсатмалари;<br><br>юз-жагъ соҳаси тўқималарига физик омилларнинг таъсир қилиш механизми;<br><br>замонавий физиотерапия асослари;<br><br>стоматологик касалликларни даволашнинг янги физиотерапевтик усуллари;<br><br>тиш қаттиқ тўқималари, пародонтит ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси касалликларини даволашнинг асосий физик усуллари. |

| | |
|---|---|
| **Цикл таркиби** | 1.Модул. Стоматология амалиётида умумий физиотерапия асослари.<br><br>2.Модул. Физиотерапия ривожланишининг тарихи. Физиотерапевтик кабинет ва бўлимни ташкил қилиш. Техника хавфсизлиги.<br><br>3.Модул. Даволовчи физик омилларнинг таснифи. Доимий, импулсли ва ўзгарувчан токларнинг, электромагнит майдони ва нурларнинг даволашда ишлатилиши.<br><br>4.Модул. Стоматология амалиётида хусусий физиотерапия.<br><br>5. Модул. Стоматологик касалликларда физик омилларнинг ишлатилиш хусусиятлари. Рақамли спеклофотография асосида пародонт касалликларини лазер-оптик ташхислаш ва даволаш.<br><br>6.Модул. Тиш суғириш операциясининг атравматик усуллари ва замонавий ёндашув.<br><br>7.Модул. Тиш қаттиқ тўқимаси касалликларини физик усуллар билан даволаш, кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар.<br><br>8.Модул. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси касалликларининг физиотерапевтик даволаш усуллари, кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар.<br><br>9. Модул. Оғиз бўшлиғини парвариш қилишнинг индивидуал ва касбий усуллари. Модул. Оғиз бўшлиғини парвариш қиладиган гигиеник воситалар. |
| **Ўқиш базалари**<br><br>“StomasanUniversal” klinikasi | Шахар клиник шифохонаси |

| | |
|---|---|
| |   |
| XK “Zeta-dent” klinikasi   | |

| | | |
|---|---|---|
|  | Симуляцион асбоб/ускуналар<br> |  |